Адолат ва инсоф билан яратганнинг бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоний юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Амир ТЕМУР.

Диёру ёрдан Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.
Кўпдан бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау, бир нафас қарорим йўқтур.

БОБУР.

ВАТАН АҲЛЛАРИГА ДЕГАНЛАРИМ

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен.

ЧЎЛПОН.

Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир.

Ислом КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 27 август, сешанба № 111 (22.032).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Президент И. Каримовга энг эзгу тилаклар билан.

Билл КЛИНТОН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — улуғ байрам — сизларнинг миллий кунингиз билан Америка халқи номидан самимий табриклайман. Бу санани 1996 йилда янада зўр тантана билан байрам қилса арзийди, чунки у Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган кунинг беш йиллигини билдиради ва мамлакатингизнинг ўша пайтдан буён эришган ютуқларини намоён этади.

26 июнь куни Оқ уйдаги учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг мустақиллигига, демократик ривожланишига, бутун дунё учун очиқ бўлишига ва гуллаб-яшнашига жуда катта аҳамият беради. Биз минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон амалга ошираётган дадил ишларни қўллаб-қувватлаймиз ва барча соҳалардаги ўзаро манфаатларимиз орқали тағин ҳам яқинроқ икки томонлама алоқалар ўрнатилишига умид қиламиз.

Самимий ҳурмат билан,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Россия-Ўзбекистон муносабатлари халқларимизнинг тарихий таркиб топган яқинлигини, уларнинг ҳар томонлама алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишини ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат асосига қурилаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона шериклик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш иқтисодий тараққиётнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини мустаҳкамлашнинг, Марказий Осиёда ишончли тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлишига аминман.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК — ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР

Суратда: Алмати учрашуви.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 23 август куни Қозоғистон пойтахти Алматида бўлди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгаши йиғилишида ҳамда атоқли қозоқ оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

Марказий Осиё давлатлари байроқлари билан безатилган Алмати аэропортида Президент Ислом Каримовни Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. Карибжонов, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Ёқубов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти саройида мамлакатимиз раҳбарини Нурсултон Назарбоев қарши олди.

Бу ерда ягона иқтисодий макон барпо этган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг йиғилиши бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, уч қўшни давлат ўртасида ягона иқтисодий макон яратилиши бу мамлакатлар ривожланишида катта омил бўлди. Ҳамкорлик йўлидаги кўплаб сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Ишчи кучи, маблағлар эркин ҳаракатлана бошлади. Корхоналар ўртасида хўжалик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Йиғилишда Президентлар — И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида қардош мамлакатлар ўртасида уч томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Йиғилишда Россия ва Тожикистонни давлатлараро кенгашга кузатувчилар сифатида қабул қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов кенгаш мажлисида иштирок этди. Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси давлатлараро кенгашга кузатувчилар сифатида қабул қилинди.

Томонлар бир-бирларини ўз мамлакатларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият билан таништирдилар. Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги шароит тўғрисида фикр алмашдилар, халқаро ҳаётнинг ўзаро манфаатли масалаларини муҳокама қилдилар.

Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг раиси С. Примбетов мазкур кенгаш қабул қилган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот берди. Президентлар 1996-1998 йилларда ягона иқтисодий маконни шакл-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

АБДУРАСУЛОВ Содиқжон — Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

АСАДОВ Мирумар — Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси, Самарқанд вилояти

КОЧКАРОВА Айшахон — Наманган вилояти туғруқхонаси бўлим мудири

КУЧЕРСКИЙ Николай Иванович — Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни раиси

ФАЙЗУЛЛАЕВ Иброҳим — Денов туманидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикада иқтисодиёт ва маданиятни юксалишига, халқ фаровонлигини ошишига, соғлиғини ҳимоялашга, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

МУРОДОВ Сарвар — Жиззах шаҳар Беруний номли 22-мактаб-гимназия бош илмий бўлим мудири

РАҲМАТОВА Фароғат — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

РАҲИМОВ Иброҳим Абдураҳимович (Иброҳим РАҲИМ) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Тошкент шаҳри

ХОЖИМАТОВА Мариям Мирзабаевна — Гулистон шаҳар туғруқхонасининг бош врачи, Сирдарё вилояти

ҲАМИДОВА Манзура — Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри актёри

ҒОФУРОВ Маҳмуджон — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

I-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

ДЕҲҚОН-Ходжаева Назминиса Абдуллаевна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги микология ва протозой касалликлари республика илмий маркази директори

КАРИМОВА Деля Фахритдиновна — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири

САЛИМОВА Равиля Наджимовна — Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори

ТАДЖИБАЕВА Назира Атахановна — Қашқадарё вилояти «Оналар ва болалар» шифохонаси хурурги

II-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

ПАВЛОВА Лариса Михайловна — миллий олимпия қўмитаси спорт бўлими бош мутахассиси

РАҲМОНОВА Мамахон — Ҳаққулобод шаҳар 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ЭРГАШЕВА Моҳира Атаевна — Навоий тумани марказий касалхонасининг врачи, Навоий вилояти

ҚОРАБОЕВ Жўра — Термиз шаҳар марказий шифохонаси юрак-асаб касалликлари бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВ Худоёр — Урганч шаҳар 21-Огаҳий номли лицей директори, Хоразм вилояти

АЪЗАМОВ Ғани — С. Раҳимов тумани А. Набиев номли маҳалла фуқаролар йиғи-

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 август куни Америка Қўшма Штатларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидаги (ЕХҲТ) делегацияси раҳбари Сэм Браунни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТдан муносиб ва мустаҳкам ўрин олишида АҚШ ҳукуматининг қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, икки мамлакатнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлиги ҳам самарали бўлаётганидан мамнуният изҳор этди.

Сэм Браун Ўзбекистон Президентининг шу йил ёзида АҚШга ташрифи жуда сермаҳсул ўтиб, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг равнақ топишида муҳим ўрин тутганини таъкидлади. У АҚШ ҳукумати бу борадаги манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини айтди.

Суҳбат давомида мамлакатларимизнинг икки томонлама ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Норов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

***

АҚШнинг ЕХҲТдаги делегацияси раҳбари Сэм Браун Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди. Учрашувда икки томонлама ва ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлик, минтақамиздаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Сэм Браун Ўзбекистон Адлия вазирлигига ташриф буюриб, музокара ўтказди.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҚ МАРМАРИ

НУКУС. Республика меҳнаткашлари Истиқлол байрамини муносиб кутиб олмоқдалар. Нукусдаги ғишт заводида йилига 60 минг кв. метр мармар ишлаб чиқарадиган цехнинг фойдаланишга топширилиши ўзига хос байрам совғаси бўлди. Цехдаги асбоб-ускуналар Италиядан келтирилган. Дастлабки куни 8—60 мм.ли плиталар ишлаб чиқарилди. Ҳозирданоқ Қорақалпоқ мармарига Тошкент, Самарқанд, Москва ҳамда Саудия Арабистонидан буюртмалар келмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ТЕЛЕФОНДА АЙЁМ ТАБРИГИ

СИРДАРЁ. Вилоят меҳнаткашлари мустақиллик айёми арафасида бир-бирларини байрам билан телефонда табриклайдиган бўлишди. Боиси, 40 минг номерли электрон рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Станция Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилди. Бу билан вилоятнинг 5 та шаҳри ягона телефон алоқаси тармоғига уланди. Қўшимча 14 минг хонадонни телефонлаштириш имкони яратилди. Гулистон шаҳрида эса халқаро телефон станцияси фаолият кўрсатмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

«ОЛАМНИ САҚЛАНГ, ДЎСТЛАР»

ФАРҒОНА. Учкўприк тумани Кенагас қишлоқ маданият уйида «Оламни сақланг, дўстлар» кечаси ўтказилди. Истиқлол айёмига бағишланган бу байрамда тумандаги барча кутубхоначилар иштирок этди. Туман ҳокими ўринбосари М. Омонова кеча қатнашчиларини табриклади. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида эса «Амир Темур ва Тўхтамишхон» спектакли саҳналаштирилди. Тўра Мирзо асарини саҳнага қўйишда режиссёр Мамасоли Юсупов, бастакор Анвар Эргашев, рассом Шуҳрат Абдумаликовлар ўзаро ҳамкорлик қилишди. Бош ролни республикада хизмат кўрсатган артист Холмат Икромов ижро этмоқда.

Мухтасархон КАРИМОВА.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 29 август куни соат 10да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Тошкент шаҳри

АЛЁХИН Виталий Анатольевич — Андижон шаҳар «Наврўз» ўйингоҳи директори

БАБАНАЗАРОВА Маринка Маратовна — Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи директори

БАЙЛЕПЕСОВ Ниетбай Узакбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси болалар спорт мактабининг катта спорт устози

БЕССАРАБОВА Людмила Петровна — Тошкент давлат оперетта театри актёри

ДАМИНОВ Турғунпўлат Обидович — Биринчи Тошкент давлат медицина институти ректори

ЖЎРАЕВ Тўхтамурод Жўраевич — Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти

КИЛЬДЕЕВ Ильдар Ахмедович — Тошкент электротехника алоқа институти қошидаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув марказининг раҳбари

НАСИРОВА Сиёҳат Шарифжановна — Бухоро вилояти Қизил Ярим ой жамияти раиси

ОҚМИРЗАЕВ Сайфулла — Мирза Улуғбек тумани маҳалла хайрия жамғармаси раиси, Тошкент шаҳри

РОМЕЕВ Комил Гарипович — Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси фотомухбири

САЛИМОВ Оқил Умурзоқович — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

СОТВОЛДИЕВ Хабибулло — Қўрғонтепа шаҳар «Шаҳрихонсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

ХОМЕРИКИ Владимир Кириллович — Ўзбекистон Республикаси муҳандислик маркази федерацияси вице-президенти — «Меҳроба» (Дўстлик) грузин маданий маркази раиси

ШОҒУЛОМОВ Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси раиси

ШКАРИН Александр Иванович — «Ўзбеккино»давлат акциядорлик компанияси оператори

ШУЛЬГА Людмила Николаевна — Пайариқ туманидаги 6-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

ЮСУПОВ Махамаджон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси маслаҳатчиси, шоир

ҒУЛОМОВА Дилбар Муҳаммадхоновна — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришда, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДИЖАМОЛОВА Турсунгул — Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар дирекциясининг мухбири

АБДУНАЗАРОВ Абдураҳмон — Қарши шаҳар «Мулоқат» театр студиясининг директори, Қашқадарё вилояти

АБДУЛХАИРОВА Роза Халитовна — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси раққосаси

АБДУРАХМОНОВА Любовь Ивановна — Шовот тумани «Ўзбекистон» номли 7-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Хоразм вилояти

АБДУРАСУЛОВ Хаким — Самарқанд шаҳар «Нафис» акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси

АЛИБОЕВА Гуличеҳра Нарзиевна — «Туркистон» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири

АЛИҚУЛОВ Алишер Маҳмудович — рассом, Тошкент шаҳри

АСАДОВ Шавкат — Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири

АҲМЕДОВ Анваржон Аҳаджонович — Тошкент давлат университети «математик моделлаштириш» кафедрасининг аспиранти, 1994/95 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси президенти стипендияси совриндори

АЮПОВ Шавкат — Ўзбекистон Республикаси президенти девонининг бош консультанти, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

БАБАХОДЖАЕВ Сраджеддин — Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти лаборатория мудири

БОҚИЕВ Набижон Абдуғаниевич «Ватан» газетаси бўлим мудири

ВАФОЕВА Шаҳло Шуҳратовна — Бухоро давлат университети студенти, Навоий давлат стипендияси совриндори

ДЎСТИЛЛАЕВА Матлабхон — Пскент тумани марказий касалхонаси аёллар маслаҳатхонаси бўлим мудири, Тошкент вилояти

ДЖУМАЕВ Рустам Зиятович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлари институти директори ўринбосари

ЖЎРАҚУЛОВ Қодир — Конимех тумани «Жастулек» халқ ансамблининг бадиий раҳбари, Навоий вилояти

ЗИЁЕВ Азамат Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

ИРДАНАЕВ Муҳаммади Ишниязович — Қўмқўрғон тумани санитария-эпидемиология станцияси эпидемиология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

ИСАКОВ Ҳабибулла — «Намангангаз» ишлаб чиқариш бошқармаси касаба уюшмаси қўмита раиси

КОМИЛОВА Малика Комиловна — Зомин туманидаги А. Фозилов номли интернат уйи катта ҳамшираси, Жиззах вилояти

МАТЁҚУБОВА Гавҳар — Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бўлим мудири

МАҲМУДОВ Мавзур Мансурович — «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компаниясига қарашли мультипликацион фильмлар студияси режиссёри

МИРЗАЁРОВ Ўктам Хайруллаевич — Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги котибияти мудири

МИРЗАЛИЕВА Яйрахон Якубжоновна — Андижон давлат университети студенти, Улуғбек давлат стипендияси совриндори

МИРЗАЛИЕВА Санам Суннатуллаевна — Тошкент давлат Шарқшунослик институти студенти, Навоий стипендияси совриндори

МУҲМЕДЖОНОВ Шомаҳмуд Шохадиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

МУҚИМОВ Мирабзал Мираюбович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедраси мудири

НОСИРОВ Санжар Ҳайдарович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси биоорганик кимё институти етакчи илмий ходими

НОРМАТОВА Насиба Ўринбоевна — Меҳнатобод тумани ижтимоий таъминот бўлимининг бош мутахассиси, Сирдарё вилояти

ПОРСОЕВ Ходи — Самарқанд шаҳри Сиёб тумани маҳалла фуқаролар йиғини раиси

РАВШАНОВ Поён Равшанович — Қарши давлат университетининг доценти, Қашқадарё вилояти

РАҲИМОВА Патма Каримовна — Фарғона вилоят кутубхонаси мудири

РОҲАТОВА Жаҳон Муҳамедовна — «Соғлом авлод учун» халқаро Хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими директори

РЎЗИҚУЛОВ Ўсарқул — Ховос тумани Қўшқанд қишлоқ врачлик амбулаторияси фельдшери, Сирдарё вилояти

САДИКОВА Маъмура Садиковна — 1-шаҳар клиник касалхонасининг қабул бўлими мудири, Тошкент шаҳри

СПИРИДОНОВ Лев Михайлович — «Народное слово» газетаси иқтисодиёт бўлими муҳаррири

СУЛТОНОВ Хайриддин Мадриддинович — Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг бош консультанти

ТЕШАБОЕВ Зоҳиджон Раҳматович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Т. Ўразбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти катта илмий ходими

ТИЛЯВОВА Гулбаҳор Қодировна — «Хорезмская правда» газетасининг бўлим мудири, Хоразм вилояти

ТОЖИЕВ Саъдулло Муҳиддинович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти студенти, Беруний стипендияси совриндори

ТЎЙЧИЕВ Маҳмуд — «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси «Ўзбекфильм» киностудиясининг муҳаррири

УМАРОВА Турсунхон Юсуповна — Й. Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юртининг директори, Тошкент шаҳри

ҲАБИБУЛЛАЕВ Нозим Насибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти докторанти

ХАКИМОВ Акбар Абдуллаевич — Санъатшунослик институти директори ўринбосари

ХАКИМОВ Олимжон — «Саодат» журналининг техник котиби

ХОЖАНИЯЗОВ Қойбогар Дурдиевич — Хожейли шаҳар 36-ҳунар-техника билим юртининг устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХОЖИРАҲМАТОВА Ҳамро — Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи

ХЎЖАЕВ Муҳаммад Шокирович — Ғиждувон шаҳар Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

ХЎЖАМҚУЛОВА Гулсара Очиловна — Олот тумани «Гулистон» қишлоқ врачлик амбулаториясининг участка врачи, Бухоро вилояти

ШУКУРОВ Иброҳимжон Ҳошимович — Ёзёвон тумани агробизнес коллежининг ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ҚАНОАТОВ Тўлабой — О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқий драма театри артисти

ҚАЮМОВ Шуҳрат Шукурович — Тошкент давлат техника университети студенти, Беруний давлат стипендияси совриндори

ҚАЮМОВА Турсунбу Хожаевна — Жиззах шаҳар 1-поликлиникасининг маҳалла врачи, Жиззах вилояти

ҚОРИЕВ Мақсуд — «Меҳригиёҳ» газетаси бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

ҚОСИМОВ Рустам Холтойевич — «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси тиббиёт-санитария бўлими бош врачи, Тошкент шаҳри

ҚУРБОНИЯЗОВА Сарбина — Қорақалпоғистон давлат университети студенти, Навоий давлат стипендияси совриндори

ҒУЛОМОВ Собир Иботович — Қашқадарё махсус илмий таъмирлаш устахонаси таъмирловчи устаси.

Кўп йиллик самарали хизмати, республикада фан, санъат, маданият, матбуотни ривожлантириш, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва жисмоний тарбия бериш ишига қўшган муносиб ҳиссалари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашганлиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

ГЛУШЕНКОВА Анна Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти лабораторияси мудири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси

КАРИМОВ Наим Фотихович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А. Навоий номидаги адабиёт институти бўлим мудири

СОАТОВ Талъат — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биокимё институти директори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

МИРЗАРАҲИМОВ Қосим — ҳайкалтарош, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

АСОМОВ Обид Аъзамович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси эстрада жамоалари дирекциясининг «Обид-а» театри бадиий раҳбари

БОВАЖОНОВ Адамбой — Огаҳий номидаги мусиқий драма ва комедия театри актёри, Хоразм вилояти

БОБОХОНОВА Данисия Даяновна — А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат ёшлар драма театри актёри

БОЙХОНОВА Зулайхо Мамаджоновна — Муқимий номидаги давлат мусиқий театри солист-вокалисти

ИГАМБЕРДИЕВА Дилором Урунбаевна — «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси актёри

ИКРОМОВА Дилбар Илҳомовна — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

ИХТИЁРОВА Ҳумора Бахтиёровна — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг раққосаси

КАРИМОВ Абдулхай Турсинович — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Фарғона вилояти бўлими «Тўй бола» гуруҳи раҳбари

КИМ Елизавета Николаевна — «Син-Сэн» корейс фольклор театр-студияси бадиий раҳбари

МИРАЛИЕВ Миртоҳир — Й. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри актёри

МУСТАФАЕВ Пўлат — Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри опера хонандаси

НОСИРОВ Элёр Расулевич — А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

РАҲИМОВА Мукамбар Ҳакимовна — «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси кинорежиссёри

РАСУЛОВ Хабибулло Тиллаволдиевич — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси созандаси

САФАЕВА Дилором Махмудовна — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри солист-вокалисти

СИДИҚОВ Ўткир — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг бадиий сўз устаси

ТЎХТАЕВА Елена Рўзиқуловна — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Баҳор» халқ рақс ансамблининг раққосаси

УЗОҚБЕРГЕНОВ Бозорбой Жумабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Бердах номидаги мусиқали драма театри актёри

ЮСУПОВА Наима Ҳайдаралиевна — Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Тановар» рақс театри раққосаси

ЮСУПОВ Шомурот — Республика қўғирчоқ театри бадиий раҳбари

ҒУЛОМОВ Абдурасул — «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси созандаси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

АЛИЕВ Хайбатулла — Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекцияси бош муҳаррири

БОШБЕКОВ Шароф — Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри адабиёт бўлимининг мудири

ИСРОИЛОВ Маҳкам Иброҳимович — М. Уйғур номли Тошкент давлат санъат институти театр санъати факультети декани

НАЗАРОВ Музаффар Нуритдинович — Халқлар дўстлиги саройининг директори, Тошкент шаҳри

ОМОНУЛЛАЕВА Дилором Дарвиновна — композитор, Тошкент шаҳри

РАҲМОНОВ Шавкат Раҳмонович — шоир, Тошкент шаҳри

ШУКУРОВА Фазилат — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси «Халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги» кафедрасининг доценти

ХАЛИЛОВА Клара Мирзакаримовна — Ўзбекистон телерадиокомпанияси диктори

ХОМЯКОВ Том Александрович — Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

ЖАББОРОВ Саврон Алимович — Мирзачўл тумани марказий касалхонаси бош врачи, Жиззах вилояти

КАРАТАЕВА Раиса Сергеевна — Қорақалпоғистон Республикаси санитар-эпидемиология станциясининг бўлим мудири

НИЯЗОВА Ираида Бадаловна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-марказий поликлиникаси врачи, Тошкент шаҳри

ОРАЛБАЕВА Назбиби — Қораузак тумани марказий касалхонаси бош врачи, Қорақалпоғистон Республикаси

СУЛТАНОВ Равшан Тўлаганович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

ТУРАЕВ Раҳматилло — Фузайлович — «Бухоротекс» акциядорлик жамиятига қарашли тиббиёт санитария қисмининг шикастбандлик бўлими мудири

ТУРСУНОВ Бахрон Саломович — Самарқанд тиббиёт институти кафедра мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

АХМЕДОВА Уллибиби — Урганч тумани Р. Юсупов номли мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ЙЎЛДОШЕВ Жўра Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

ЖОНТОЕВ Қуролбой — Бўка тумани 36-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти

МАНАПОВА Амангельди — Мирзачўл тумани Абай номли 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

НИГМАТОВ Хамид Ғуломович — Бухоро давлат университети «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасининг мудири

УМАРОВ Акрамжон — Боғдод тумани халқ таълими бўлими услубчиси, Фарғона вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

СУЛТАНБЕКОВ Фаат Мусаевич — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги «Хадра» теннис клубининг катта спорт устози, Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

МАҲКАМОВ Содиқжон — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг фотомухбири

Мурод Муҳаммад ДЎСТ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

РАҲМОНОВ Маҳкам Жўраевич — «Маърифат» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

ТИЛЛАХЎЖАЕВ Саидмурод — Ўзбекистон телерадиокомпанияси ижтимоий ҳаёт бош таҳририятининг бош муҳаррири

ТОЛИПОВ Рауф — «Ғунча» журналининг масъул котиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 август.

ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК — ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

лантириш борасидаги Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг ҳаракат дастурини маъқулладилар. Шунингдек, йиғилишда 1994 йил 8 июлда қабул қилинган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритилди. Президент Ислом Каримов таклифига кўра, ҳар бир давлат банкнинг низом фондига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишига қарор қилинди. Шунингдек, БМТ ҳомийлигида уч давлат тинчлик ўрнатувчи кўшма батальонининг кўпмиллатли кучлар иштирокида ўтказиладиган машқларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, чегара ҳудудларида махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш, давлатлараро кенгаш ва унинг институтларида раислик қилиш муддатлари, «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журнали бош муҳаррири тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Президентлар шу куни муҳокама этилган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатларни имзоладилар.

Шу кунларда Қозоғистонда атоқли оқин Жамбул таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Президентлар — И. Каримов, А. Акаев, И. Раҳмонов Алматидаги Жамбул ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ҳурмат бажо этдилар. Алматидаги республика саройи Марказий Осиё, МДҲ давлатлари ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар, маданият ва санъат арбоблари, адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда мазкур санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев Жамбулнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Қадимдан улуғ халқ яшайдиган мўътабар заминда буюк ўғлонлар туғилади деган нақл бор, деди Ислом Каримов. Бугун биз шонли тўйини нишонлаётган атоқли шоир Жамбул ҳам ана шундай ўғлонлар сирасига киради. У қозоқ халқини, унинг қадриятларини улуғлаш билан бир қаторда бутун Марказий Осиё, бутун Туркистон халқлари, улар ўртасидаги тарихий дўстликни куйлади, таъбир жоиз бўлса, бошига кўтарди:

Таянчим—дўстларимнинг дийдоридир,
Ҳаётнинг лаззати шу дейди юрак.
Шул юрак: «эл бойлиги дейди, бирлик»
Бирликсиз бўлармикан ҳеч тириклик.

Шоирнинг бу сатрларини мен нафақат қозоқ элининг бирлиги, тинчлиги, балки бутун туркий халқларнинг қардошлиги, дўстлиги ҳақида деб тушунаман. Жамбулнинг буюклиги яна шундаки, у аввало шу заминда яшаётган оддий одамларни, уларнинг юрагидаги орзу умидларни, эркка, ўз ватанларини озод ва обод кўришга бўлган интилишни теран ҳис этган ва шунга чорлаган, деди Ислом Каримов. Яна бир бор айтмоқчиманки, дунёда қозоқнинг ўзбекдек, ўзбекнинг қозоқдек дўсти йўқ ва бўлмайди ҳам. Бу ҳақиқатни қадим-қадимдан давом этиб келаётган умумий тарихимиз, кўп синовлардан ўтган, биргаликда ва иноқликда кечирган ҳаётимизнинг ўзи аллақачон исботлаб берган. Ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар бир ўзбек ва қозоқ фарзанди яхши билади ва теран ҳис этади. Зеро, бизнинг дардимиз ва қувончимиз, тарихимизу келажагимиз, динимизу тилимиз, бозоримизу мозоримиз бир. Керак бўлса, икки халқ манфаатига бирдек жавоб берадиган орзу-умидларимиз ҳам бир.

Қозоқнинг танига битта тикан кирса, албатта ўзбекнинг жони оғрийди. Ўзбек бошига кулфат тушса, «Бовурим», «Ўзбек — ўз оғам» деб, биринчи бўлиб қозоқ етиб келади. Оллоҳимизга минг шукроналар бўлсинки, бизни қўшни қилиб, ёмон кўзлардан асраб, дўстлигимизни абадул-абад қилиб яратди.

Сиз билан бизнинг мустақиллигимизга эндигина беш йил тўляпти. Лекин шу қисқа даврда сиз билан биз кўп нарсани тушундик, дўсту нодўстни танидик, кўп нарсага кўзимиз очилди. Муҳими, ўзимиз хоҳлагандек, ўз кўлимиз билан қураётган янги ҳаётимизнинг тамал тоши бузилмас дўстлигимиз эканини яхши англаб етдик, деди Ислом Каримов.

Буюк аждодларимизни эсласак, Аҳмад Яссавий ва Термизий, Фаробий ва Хоразмий, Навоий ва Абай, Жамбул ва Фозил Йўлдош ўғли, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов, Ойбек ва Мухтор Авезов, Файзулла Хўжаев ва Турор Рисқулов номлари ва сиймолари қалбларимизни ғурур ва ифтихор билан тўлдиради. Мана шу улуғ аждодларимизни бошимизга кўтариб ардоқласак, уларнинг мероси ва насиҳатларига муносиб бўлсак, энг эзгу орзу-мақсадларимизга етишамиз, иншоолло.

Бизнинг тўю тантаналаримиз бир-биримизсиз ўтмайди. Шу маънода, биз яқинда Тошкентда биринчилардан бўлиб Жамбулнинг 150 йиллигини яқин-йироқдан келган дўстларимиз, энг аввало қозоқ биродарларимиз билан бирга нишонладик. Ҳадемай, Туркистон халқлари донгини дунёга таратган баҳодир ва улуғ саркарда, буюк зот соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйларини сизлар билан биргаликда нишонлаймиз

Бизнинг, ўзбек халқининг энг катта орзу-умиди келажакни Туркистон халқлари билан бирга, аввало, бизга энг яқин бўлмиш қозоқ халқи билан бирга қуриш, барпо этиш, фарзандларимиз бахтини кўриш, тўю томошаларни биргаликда ўтказишдир.

Шу ўринда Жамбул Жабаевнинг қуйидаги сатрларини эслаш ўринлидир:

Одамийлик, ботирлик,
эрликни куйла,
Эр қадрини оширган
бирликни куйла!

Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Президент Ислом Каримов Жамбул сиймоси туширилган совғаларни топширди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Қирғизистон Президенти А. Акаев, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов, МДҲ ва хорижий давлатлардан келган делегациялар вакиллари қозоқ халқини атоқли шоир юбилейи билан қизғин қутладилар. Тантанали йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Ислом Каримовнинг Алмати сафарида унга Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Алмати-Тошкент

Ўзбекистон — Ватаним маним

БИР ҚЎШИҚ БОР ДУНЁДА

Ҳаёт, тириклик бор экан, ҳеч қачон тугамайди. Турли хил наво-оҳангларга солиниб айтилаверади, айтилаверади. Бу — Ватан ҳақидаги қўшиқдир.

Тўғри, шу вақтгача бу ўлмас мавзуга бағишлаб ўсмирлар ва катталар ўртасида айтилган қўшиқларнинг тўпланган лаҳзаларда куйланганлари жамланмаган эди. Ниҳоят, яқинда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан «Ватан кўнглимизда» деб номланган қўшиқлар тўплами чоп этилди. Унда «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик- танловида қатнашган ёшларнинг қўшиқлари жамланган. Уларни Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулло Раҳимов тўплаган. Ўйлаймизки, бу Ватанимизнинг қутлуғ тўйига бир ажойиб совғадир.



Моҳинур ҚОДИРОВА.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

КАМАРБАСТАМИЗ

Туй-тантана яхши-да. Айниқса, халқимизнинг энг улуғ байрамларидан бири бўлмиш Истиқлол айёми. Каттаю-кичикка, бир дунё қувонч бағишлайди.

«Катта тантананинг ташвиши ҳам, қувончи ҳам катта бўлар экан» — дейди байрам арафасида Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Илҳом Исломов биз билан суҳбатда.

Дарвоқе, сир эмас, кўпинча ўзимиз сезмаймиз. Улкан шодиёналарда сизу бизнинг тинч, яйраб дам олишимизда ўзларининг камтарингина ҳиссаларини қўшадиганлар ҳақида кам гапирамиз. Улар ҳам...

Ўз навбатида мақтанишни хуш кўришмайди. Биз эса кўнглимиздан кечган саволларни айтамиз.

— Илҳом ака, байрамни қандай кутиб оляпсизлар?

— Халқмиз, қолаверса, пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари қутлуғ байрамни зўр қайфият билан нишонласа бизнинг ҳар биримиз учун ҳеч унутилмас кун шу бўлади.

Тўғри, беш йил тарих саҳифасида ҳеч гапмас. Аммо Ўзбекистон ҳаётида унутилмас из қолдирди десам муболаға бўлмас. Чунки мамлакатимизни шу озгина муддат оралигида деярли бутун дунё таниди.

— Энди бевосита ўзингиз бошчилик қилаётган қўриқлаш бошқармаси ходимларининг байрамолди вазифалари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Аввало, бизнинг назоратимизда бўлган кўплаб турли давлат объектлари, шу жумладан фуқароларнинг уйларида осойишталик бўлишини таъминлаш асосий бурчимиздир. Шунингдек, пойтахтимизнинг Бош майдони ҳисобланмиш Мустақиллик майдонида байрам кунлари бизнинг елкамизга янада кўпроқ масъулият юкланади. Қандай бўлмасин халқимиз йилда бир марта келадиган энг қутлуғ кунни кўнгилдагидек нишонласин деймизда. Шоли курмаксиз бўлмагандек, одамлар орасидаям ҳар хил кайфиятдагилари учрайди. Асаббузарлик, кўнгилсизлик ҳолатларини келтириб чиқарадиганларни қатъий назорат қилишимиз керак.

Келинг, кўп гапириш бизга ярашмайди. Байрамни муносиб кутиб олайлик, кейин...

Илҳом Исломов шундай дея ўринбосарларини ўз хонасига чорлади. Улар яна навбатдаги тадбирларни белгилашга киришдилар. Демак, катта тўй тинч, осойишта ўтиши шубҳасиз.

Норқобил ЖАЛИЛ
суҳбатлашди.

ОСИЁ-ВЕСТ
OSIYO WEST

Ўзбекистон - Германия

"ОСИЁ-ВЕСТ"
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбек халқини
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
беш йиллиги
муносабати билан
қизғин ва самимий муборакбод этади!
Республикамизда кенг миқёсда олиб борилаётган
иқтисодий ислоҳотларни астойдил
қўллаб-қувватлайди.

Қадрдон юртдошлар!
Ана шу улуғ айём кунларида
сизларга соғ-саломатлик, ижодий баркамоллик,
мамлакатда тинч-тотувликни таъминлашда
ва оилавий бахт-саодатни мустаҳкамлашда
бардамлик тилаймиз!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО
ВА ПАБОБАП"
ФИРМА ЖАМОАСИ

Улуғ айём - мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан республикамиз халқини самимий муборакбод этади.

ФИРМА ЖАМОАСИ
Ўзбекистон Республикаси аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Сизларга ҳамиша сиҳат - саломатлик, тинчлик - тотувлик тилаймиз. Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Себзор мавзеси, 1 уй.
Тел: 44-24-34, 40-48-06, 40-44-83.

Собиқ президентнинг ҳаёти қил устида

Кореянинг собиқ президенти Чун Хваннинг устидан қўзғатилган жиноий иш тўғрисида аввал ҳам хабар қилинганди.

Жанубий Корея суди собиқ президент Чун Хванни 1979 йилдаги давлат тўнтариши воқеасига алоқадорликда айбламоқда. Чун бундан ташқари, боз устига собиқ президент ўша воқеада ҳалок бўлган катта зобитнинг қотили сифатида ҳам кўрсатиляпти. Ўша даврда армия умумий қўшиндан иборат эди.

Кореянинг яна бир собиқ президенти қисмати ҳам айнан Чунникига ўхшаб кетади. Ҳозирги пайтда собиқ президентлар ҳаёти қил устида қалқиб турибди. Лекин «собиқ»лар ҳалиям амалдаги президентдан умидвордирлар.

Балки «собиқ»ларни Корея давлати президенти авф этар. Ҳозирча бу ҳақда бирор фикр айтишга эрта.

Терезанинг аҳволи ўнгланадими?

Ҳиндистондаги Калькутта шаҳри шифохоналаридан бирида даволанаётган Тереза она ҳақида ҳозирда тез-тез хабарлар эълон қилиняпти. Терезанинг оғир дардга чалингани кўпчилик нуфузли олим, мутахассисларниям жиддий ташвишга солиб қўйди. Терезани даволовчи врачнинг таъкидлашича, кейинги вақтда «аҳволи бирмунча яхши» дея таскин берувчи хулосани айтиш мумкин.

Терезанинг саломатлигини муҳофаза қилаётган Ҳатто Нобель мукофотининг лауреати бўлган мутахассислар эса «Тереза омон қоладими?» деган саволга мавҳумроқ жавоб беришмоқда.

Ўтган ҳафта Тереза онани қаттиқ алаҳсираш ҳолатида шифохонага келтиришганди. Ўшандан буён беморнинг аҳволида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Бунинг устига қария Терезанинг юрак хуружи тутиб қолди.

Мутахассисларнинг фикрича, қария Тереза малерея дардига чалинган. Шундай бўлса-да, бемор ўзини яхши ҳис қилаётганини билдиряпти. Инсоннинг иродаси нечоғлиқ мустаҳкам бўлса, ўлимни тан олиши ҳам шунчалик қийин келади. Эҳтимол ирода қаршисида ўлим ҳам чекинар.

Она Терезанинг аҳволи ўнгланадими, йўқми бу фақат яратгангагина аён бўлиб қолди. Ҳатто мутахассислар ҳам аниқ фикр айтишга ботинмаяпти.

Миср тарихий топилмалар диёри

Миср қадимдан кўҳна асори-атиқалар, эҳромлар диёри. Миср музейлари бу борада дунёдаги энг етакчи ўринда туради. Бу ердаги миллий музей яна янги кадимий топилма билан бойиди. Бундан 900 йил аввал қўлланилган тарихга доир ушбу топилмада қадимий Миср маданияти хусусида фикр юритилади.

Тарих — сабоқ

ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ ТАҚДИРИ

Ўзбекистоннинг беш йил давомида мустақиллик йўлидан бориши иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқий ривожланиш, маданий ва руҳий янгиланиш истиқболини очди. Республикамиз мустақил ривожланишининг назария ва амалиёти чуқур тадқиқотлар, илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқшни тақозо этади. Шу маънода жадидчилик ҳаракати тарихи муаммоларини ўрганиш тарих фанининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки унда сиёсий озодлик ва мустақиллик учун кураш ғоялари илгари сурилган. Шу йил май ойида республика Фанлар академияси қошида фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди очилди. Танловда ғолиб чиққан ижтимоий ва техника фанлари бўйича 135 илмий мавзулар ичида «Туркистон жадидчилиги» мавзуи ҳам грант олди. Мазкур мавзуни мукаммал тадқиқ этиш учун ЎзФА Тарих институти ҳузурида ўн бир нафар кишидан иборат «Жадидшунослик маркази» деб номланган илмий гуруҳ ўз ишини бошлади.

Диққатингизга ҳавола этилаётган мақола ушбу марказнинг Туркистонда жадидчилик ҳаракати тарихи бўйича олиб борган дастлабки хулосаларини ёритади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан бориши ўлка халқларининг миллий-озодлик ҳаракати мафкурасининг шаклланиш тарихига бўлган жамоатчилик қизиқишини чуқурлаштирди. Совет тузуми даврида кўп йиллар давомида Марказий Осиё халқларининг озодлик кураши қаҳрамонона саҳифалари унутилди ёки атайин бузиб ёзилди. Ҳозир кескин ўзгаришлар даврида, тарихий ҳақиқат қарор топаётган бир вақтда умумий миллий озодлик ҳаракатининг ва бу ҳаракатнинг ижтимоий-сиёсий оқимларининг тарихий жараёндаги ўрни, аҳамияти тўғрисида олдин қарор топган баҳо ва мезонларни қайтадан кўриб чиқиб, англаб етишга шарт-шароит етилди. Тарихий тажриба шуни кўрсатяптики, ўз даврининг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий оқими сифатида жадидчилик миллий ўз-ўзини англашнинг ўсишига ва миллий-озодлик мафкурасининг шаклланиши, тараққиётига катта хизмат қилди.

Эндиликда Ватанимиз олимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу муаммога янгича қарашлар, ёндашувлар қарор топди. Жадидлар ҳаракатининг XIX аср охири — XX аср бошида Туркистон жамиятининг мураккаб сиёсий кучлар силсиласида прогрессив йўналишни ифода этганлиги бугунги кунга келиб маълум бўлиб қолди. Жадидчилик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, ўлканинг маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган, ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат ҳисобланган. У маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Икки ёқлама мустамлакачилик ва маҳаллий зулм остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир иқтисодий аҳволи, Туркистоннинг жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларидан анчагина орқада қолиб кетганлиги, маданий таназзул ҳамда эркин фикрнинг ривож топмаётганлиги каби ҳолатлар жадидларни ижтимоий тараққиёт чораларини излаб топишга ундади. Илғор мусулмон зиёлилари мамлакатнинг тараққиёт даражаси орқадалигини ижтимоий ва мустамлака зулмининг асосий сабабини аввало халқнинг ғафлатда қолганлиги, маърифатсизлигидан қидирди. Шунинг учун ҳам пишиб етилган муаммоларни ҳал қилишнинг энг асосий, ҳал қилувчи йўли деб маориф ва маърифат кўзда тутилди. Оқибатда дастлаб жадидлар диққа-эътибори марказида маорифни ислоҳ қилиш вазифаси кўндаланг турди. Улар бу ислоҳотларни амалга оширишнинг зарур эканлигини нафақат назарий жиҳатдан асослаб бердилар, балки янги усулда ўқитиладиган мактаблар очиб, кутубхоналар, қироатхоналар барпо этиб, ўқув қўлланмалари ёзиб, ўз ғояларини амалда қўллаш йўлида улкан ишлар қилдилар. Сўнгги маълумотларга кўра биринчи жадид мактаблари 1898 йили Қўқонда Салохутдин домла томонидан, Тошкентда Маннон қори ва Андижонда Шамсиддин домла томонидан 1899 йили очилди.

Биринчи жадидчилик гуруҳлари Туркистонда ва Бухорода XX аср бошида пайдо бўлиб, уларнинг энг кўзга кўринган вакиллари Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Абдурауф Фитрат ва бошқалар миллий зиёлилар гулини ташкил қилар эдилар. Туркистон жадидчилигида жадидчилик отаси саналган Маҳмудхўжа Беҳбудий бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи роль ўйнаган. Бошланғич паллада жадидчилик ҳаракатининг маърифатпарварлик йўналиши Россия «народничество»лиги каби тор маънодаги ва тор доирадаги маданий маърифатпарварликкина бўлиб қолмай, балки жадидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан бой ва ранг-баранг эди. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарҳий вазифа, масалалар ўз аксини топган. Улар қаторига маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаш, ҳуқуқий, иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишни киритиш мумкин. Жадидларнинг халқаро алоқа ва муносабатлари уларга Россия, Туркия, Миср жадидларининг дастурлари билан танишиш имконини берди. Масалан, 1905 йили Тошкентга Россия Мусулмонлари Иттифоқи Марказий қўмитаси бюросининг аъзоси Абдурашид Ибрагимов келиб, муайян ишларни амалга оширган. 1908 йили эса Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг дўсти ва устози, жадидчиликнинг асосочиси Исмоил Гаспринский Қоҳирага кета туриб, Туркистонда яна бир бор тўхтаб ўтган ва Самарқанддаги янги усулдаги мактаблар иш фаолияти билан танишган. 1910 йилда таниқли татар жадиди Садри Мақсудий бутун Туркистон ўлкасини кезиб чиққан.

Тошкент шаҳри Марказий Осиё минтақасининг маъмурий ва маданий маркази сифатида ислоҳотчиларнинг тўпланиб йиғиладиган жойига айлана борди. 1905 йилги биринчи рус инқилоби жадидлар саъй-ҳаракатини анчагина жонлантирган бўлиб, Туркистондаги либерал-ислоҳотчилик ҳаракати Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидий, Убайдулла Хўжаев, Самарқандда Беҳбудий, Ҳожи Муин, Акобир Шомансурзода, Саидаҳмадхўжа Сиддиқий, Наманганда Носирхон тўра, Қўқонда Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий ва Пўлат Солиевлар раҳбарлигида шаҳар аҳолиси ўртасида кенг тарқала борди. Ислоҳотчи-жадидларнинг фаолиятида муҳим кўрсаткич бу нафақат янги усулдаги мактабларнинг ташкил этилишида, балки нашриёт ва матбаа ишларида, газеталарнинг кўплаб нашр этилишида намоён бўлди. Масалан, 1906 йилда Исмоил Обидий муҳаррирлигида «Тараққиёт» газетаси чиқа бошлади. Яна ўша йили «Хуршид» газетаси, 1907—1908 йилларда Мунаввар қори муҳаррирлигида «Шуҳрат» газетаси, тадбиркор Саидазимбой шарофати билан «Туджор» газетаси нашр этила бошланди. Бундан кейин яна «Осиё», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Ойна», «Эл Байроғи», «Турон» каби рўзномалар чиқди. Жадидлар мустамлака ўлкаларда кечаётган сиёсий воқеа ва жараёнларни диққат билан кузатар эканлар, Россия ҳудудида вужудга келиб ташкил топаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ўргандилар.

Ўзбек халқининг тинчлик-тотувликка интилиши, ўзига хос миллий менталитет хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар тинч йўл билан петициялар, намойишлар уюштиришга, Давлат думасида очиқ чиқишлар билан қатнашишга, турли-туман рухсат этилган восита ва имкониятлардан фойдаланиб, чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ён беришларни талаб қилишга, Туркистон миллий тараққиёти объектив ҳаётий талабларга жавоб берувчи имкониятларни яратишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, туркистонликларга Давлат думасида ўз вакилларига эга бўлиш ҳуқуқини бермадилар ва бу ҳол мазлум халқнинг шаъни, эркини оёқ ости қилишни англатар эди. Шу билан бирга пантурк ва панислом ғояларининг беҳад зарарлиги ҳақида атайлаб уйдирмалар, ғиғвоплар тўқиб тарқатилдики, гўёки бу ғоялар Россия давлатчилиги асосларига таҳдид солажакдек. Айнан ўша дамларда жадидлар бирлашмоқ зарурлигига имонлари комил бўлди. Бу хулоса Беҳбудий қалами остида «Хуршид» газетасида 1906 йил 11 октябрда чиққан мақолада ўз аксини топди. Унда муаллиф ягона яхлит мусулмон партиясини тузишни ва бу партиянинг Россия мусулмонлари Иттифоқи таркибига киришини таклиф қилди. Жадидлар учун 1905—1917 йиллар ҳам сиёсий, ҳам ташкилий ва ҳам миқдор жиҳатидан ўсиш йиллари бўлди. Столипин реакциясидан сўнг жадидчилик яширин ҳаракат қилиш характерини касб этди. Полициянинг хабарига кўра Тошкентда ҳудди шундай яширин фаолият кўрсатаётган гуруҳни ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва бу гуруҳ асосан миллий зиёлилар ҳамда ўқувчи ёшлардан иборат бўлган. Андижонда жадидларнинг «Тараққийпарвар» номи остида яширин ҳаракат қилган ташкилот бўлган ва унга Убайдулла Хўжаев раҳбарлик қилган.

1909—1916 йиллар давомида чор Россияси агентураси бир неча бор кўпгина мударрислар мактаб ўқитувчиларининг йиғинларида ўлкани бошқаришни ислоҳ қилиш учун халқ ўртасида ташвиқот юргизаётганлиги ҳақида хабар бериб турган. Ўрта Осиё жадидчилигига 1908 йилги Туркия ва 1905—1911 йиллардаги Эрон инқилоблари катта таъсир кўрсатди. Лекин ёш турклар ва Эрон прогрессистларининг тажрибаларини Туркистон жадидлари ўша қолипда ўзлаштириб олмадилар. Аксинча, Европа ва Шарқ мамлакатларининг давлат қурилиши, қонун чиқарувчилик тажрибаларидан Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши демократик ҳаракатлар кураши тактикаларидан ўз манфаатларига ҳамоҳанг ўринларни олдилар.

I Жаҳон уруши жадидларнинг фикрлашларини анча радикаллаштирди. Бу вақтга келиб улар парламентар монархия тузуми ҳақида ёздилар, фуқароларнинг давлат органларини шакллантиришда қонун чиқариш ишида, давлатни идора қилишда қатнашуви, иштироки йўл ва усулларини ишлаб чиқишга уриндилар. Февраль инқилобига келиб прогрессистларнинг оқимини ташкил қилган Туркистон жадидларининг радикал қисми бир қатор кенг сиёсий талабларни илгари сурди. Булар орасида: маҳаллий туб аҳоли ҳуқуқларининг кенгайтирилишини кўзда тутган ўлкани идора этишни тубдан ислоҳ қилиш, туб аҳолига муайян миқдорда Давлат думасидан ўрин ажратиш, асосий демократик эркинликларни таъмин этиш ва энг аввало миллий матбуот эркинлигига эришиш, чор якка ҳокимлиги тузумини конституциявий идора этиш тузуми билан алмаштириш каби талаблар ўрин олган эди.

Россиядаги Февраль инқилоби янги давлат тузумидан сўнг Россия федератив давлати остида Туркистоннинг мухториятга эга бўлишига умидвор бўлган жадидларга қанот бағишлаган эди. Бу пайтга келиб миллий сиёсий ташкилот ва партиялар ташкил топди, хусусан жадидлар қўдратли «Шўрои Исломия», «Иттифоқ» каби ташкилотларни туздилар. Революция давомида маҳаллий аҳолининг турли-туман ижтимоий катламларини жадидлар ўз ортларидан эргаштирдилар, халқ оракида, уларнинг онгида, фиқрларида мусулмонларни яктан, якдил бўлиб бирлашишлари, жипслашишлари зарурияти ҳиссини туғдирдилар. Бироқ, орадан кўп ўтмай жадидлар Туркистон вақтли Ҳукумат Комитети ва вақтли хукуматнинг ўзи Туркистонда олдинги мустамлакачилик сиёсатидан воз кечмаганлигининг гувоҳи бўлдилар. Хусусан бу ҳолат «Таъсис мажлисини чақириш ва уни тайёрлаш жараёнида яна юз берди. Жадидлар мустақиллик ва мухторият учун ҳаёт-мамот курашни вақти етиб келганини англаб, мустамлакачиликни қаттиқ ва аёвсиз танқид қила бошладилар. Олдинги конституциявий монархлик тузуми ғояларидан воз кечиб, Туркистонга Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий ҳудудий мухторият берилишини талаб қила бошладилар. «Кенгаш», «Турон» ва Туркистон федералистлари органи «Турк эли» каби жадид газеталари 1917 йилда «Яшасун қўшма халқ жумҳурияти!» шиори остида чиқа бошлади. Жадидларнинг дастур ҳужжатларида асосий эътибор миллий-ҳудудий мухторият тамойилларини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишга қаратилган эди. Хусусан, ҳокимиятнинг юқори органларини ташкил қилиш, ўлкани идора этиш ва ўлка судларини барпо этиш, ўзларининг давлат тизимларини вужудга келтириш, Туркистон Федератив Республикаси компетенцияси остида қонунлар ишлаб чиқиш каби ҳаётий муҳим вазифалар Туркистоннинг мустақил тарзда ҳал этиши зарур бўлган масалалар сирасига кириши лозим эди. Бошқарув идора усули сифатида республика идора усули мақбул деб топилди. Энг маъқул жамият деб демократик жамият барпо қилиш кўзда тутилгандики, бундай жамиятда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция йўли билан ҳимоя этилиши зарур эди.

Жадидларнинг ўша йиллардаги беқиёс хизматларидан яна бири барча Туркистон халқлари ва миллатларининг қонун олдида тенглиги ҳақидаги ғоянинг илгари сурилиши бўлиб, бунга кўра Туркистон фуқаролари жамият ҳаётининг барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларида тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим эди. Давлат мустақиллиги тўғрисидаги ўзларининг ғояларини Туркистон жадидлари ҳаётга татбиқ қилар эканлар, буларнинг ҳал этилишини мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари билан келишган ҳолда Россияда демократик асосда чақирилажак Таъсис мажлиси билан узвий боғлиқликда кўрдилар. Жадидлар Таъсис мажлисидан ўрин олиш учун жуда кўп уриндилар. Ҳатто бу жараёнда ўз сафларида тараққийпарварлардан тузилган «Шўрои Исломия» ва жадидларнинг консерватив қисмидан ташкил топган «Шўрои Уламо» каби ташкилотларга бўлиниш юз берганлигига қарамай, бирлашиш йўлидан бордилар, пировардида бу Туркистон федералистларининг «Турк Одами Марказияти» партиясининг вужудга келишига олиб келди. Бироқ Туркистондаги Октябрь воқеалари, большевикларнинг ҳокимиятга келиши жадидларга ўз мақсад-ниятларининг амалга ошишига имкон бермади. Шунга қарамай, янги большевик ҳокимиятининг ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларациясига асосланиб улар Қўқонда Туркистон мухтор Республикаси Туркистон Мухториятини эълон қилдилар.

Уч ойгина яшаган Республика тарихи қонли саҳифалардан иборат бўлиб, жадидлар таъқиб остига олиндилар ва 1937 йилга келиб амалда бутунлай қириб ташландилар. Жадидчиликнинг қисқача тарихи мана шулардан иборат. Унинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммати шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, ғафлат уйқусида ётган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди. Озодлик, эрк, миллий ғурур ва шаън ҳақида, буюк аждодлари, бой маданияти, умуман мустамлака нетибдоди даврида унутилаётган қадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш принципларини эволюцион-ислоҳот йўли асосида ишлаб чиқдилар. Ижтимоий-даврий тузум ўзгартишларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар. Жадидларнинг концептуал ғоялари буюк ўзгаришлар жабҳасининг маънавий асослари бўлиб хизмат қилди, кенг қамровли ислоҳотлар йўналиши ва стратегиясининг наслий ўзаги сифатида майдонга келди.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори.
Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ,
тарих фанлари номзоди.
ЎзФА фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
"АРТ ЛТД Ко"
қўшма корхонаси

ART

АРТ ЛТД Ко
қушма корхонаси

ART LTD Co.
joint venture

Республика ҳукуматини, дини ва дили бир ўзбек халқини, қолаверса шу азиз юртда яшаётган барча миллат вакилларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга соғлик-омонлик, узоқ умр, бахт-саодат ёр бўлишини тилайди.

Кадрли юртдошлар!
Кўшма корхонамиз байрам арафасида ўз махсулотлари баҳосини арзонлаштирди.
Келинг, харидоримиз бўлинг!

Супермаркет манзили:
Тошкент шаҳри, "Фарход" ярмаркаси.
"Муборак опа" дўкони.
Тел.: 76-60-85.

UZBEKISTAN TURKISH BANK

МУСТАҚИЛЛИК ТЎЙИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

"ЎТ-банк"
Ўзбекистон-Туркия
қўшма банки
жамоаси

барча ўзбек халқини
Мустақиллик байрами билан қутлайди!
Бу шодиёнанинг умри боқий бўлсин!
Байрам эгаларига бахт-саодат тилаймиз.
Мустақиллик руҳи ва ғоялари
доимо сизларга йўлдош бўлсин.
"ЎТ-банк" халқ хўжалиги хизматида
мижозлар юмушини соз ва
тез адо этади.

"ЎТ-банк"
сизнинг хизматингизда.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
3-мавзе, 74-уй.

Тел: (3712) 77-45-19, 77-59-67,
Факс: (3712) 77-34-08,
Телекс: 116623UTB

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

•

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

•

Ҳажми 2 босма табоқ

•

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

•

Г — 0427

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 02.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Қатралар

ОНА

Аэропорт. Автобусдан тушдик. Ғира-шира. Бола кўтарган аёл майдондаги чуқурчани кўрмай, мункиб кетди. Боласи қўлидан учди. Бир йигит тезда онанинг қўлтиғидан олиб, турғазишга интилди. У эса тура олмас, афтидан тиззаси қаттиқ лат еганди. Бутун вужуди, қўллари билан боласига талпинарди. Ўзи билан мутлақо иши йўқ. Кимдир болани даст кўтариб олди. Онага тутқазди.

У боласини бағрига босар, юз-кўзларидан ўпар, бошини силарди. Кейин оғриқни унутгандай, юрмоқчи бўлди, аммо оқсаб оёқлари чалишди. Боласи тушиб кетаёзди. Аммо шу ҳолида болани бағрига босганча бир-бир қадам босиб кетди...

Негадир «Она ва юрак» ривояти эсга тушади. Манқурт ўғилнинг бир қизни яхши кўриб қолганичи... Дунё бехабар қиз: «Севгинг рост бўлса, онангнинг юрагини келтир», дейди. Йигит онасини ўлдириб, юрагини кафтига олиб қиз томон ҳовлиқади. Қоқилиб йиқилганда, юрак тилга киради: «Болагинам қаттиқ лат емадингми?»

Мунча меҳринг буюк она!

ЖОН ТАЛВАСАСИ

Унинг ҳеч жони узилавермади. Жон талвасасида кўзлари косасидан чиқиб кетаёзган. Ҳуши ўзига бир келиб-бир кетиб турибди. Кўкраги кўтарилиб тушар, азоб чекарди. Уч кун шундай давом этибди. Маҳалла оқсоқолига маслаҳат солишибди.

— У кимни яхши кўрарди: неварасиними, армияга кетган фарзандиними, узоқ қариндошиними, кими бор?

— Ҳеч кими йўқ. У пулни яхши кўрарди, — дейишибди.

— Пул беринглар!

Кўкимтир чипори дастасини кўрсатишган экан, чангаллаб, ютоқиб тин олгандай бўлибди, кейин атрофга бир қараб, жон таслим қилибди...

АРТИСТ

Маҳаллий хўжайиннинг айтгани-айтган, довруғи достон эди. Маданият уйида ҳаваскор-драматург ёзган пьеса саҳналаштирилди.

Хўжайин ролини актёр қиёмига етказди. Томошадан кейин театр буфетида «ювишди». Кейин уй-уйга тарқашди.

Бир йўловчи майдондан ўтиб кетаётса, «Хўжайин» арикда думалаб ётибди! «Дод!» солди. Милиционер келди. Ахир, «Хўжайин» лойга беланиб ётибди. Оперпунктга олиб келишди. «Хўжайин» оёқда туролмасди.

— Тез олиб кет, йўқот кўздан, — деди капитан, — битта-яримта кўриб қолса, балога қоламиз-а, калла кетади, ҳумпар!

ЮҚТИРСИН ЭКАН

У умр бўйи пул йиғди. Кассага қўймади, бировнинг ҳожатини чиқармади. Печкани ичида сақлади. Бундан ҳатто хотини ҳам бехабар эди. Бир куни уй кўтарганда печкадаги хас-чўп қоғозларни ёқди. Кечқурун эри ишдан қайтгач, эси оғди. Охири қўли қалтираб, пулни кир тўшаги орасида сақлайдиган одат чиқарди. Вақти-соати етиб қазо қилди. Тўшакни ахлатхонага ташлашди. Машинага ортишаётганда эса намиқиб, охори кетган бир дунё пул тўкилди. Ҳа, Оллоҳ юқтирмаса, шу-да.

Ҳамид ИКРОМОВ.

Латифалар

Василий Иванович бир қўлидаги ароқни орқасига яширипти. Петька уни топса ароқ ичишадиган, тополмаса шишани синдириб ташлашадиган бўлишипти.

— Чап қўлингизда, — дебди Петька.

— Ўйла, Петька, ўйла, — дермиш Чапаев.

***

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида Андропов билан Рейган котибаларини айрибош қилишипти.

Икки ҳафтадан кейин америкалик котиба Рейганга қўнғироқ қилиб нолипти:

— Мистер Рейган, мен бу ерда ишлай олмайман. Ҳар куни узунроқ юбка кий, кўкрагингни беркитиб юр, деб ҳоли жонимга қўйишмаяпти. Ҳадемай бирон жойим кўринмай қолади.

Икки ҳафтадан кейин Андроповнинг котибаси қўнғироқ қилибди:

— Ўртоқ Андропов, мен бу ерда ишлай олмайман. Ҳар куни юбкангни калта қил, кўкрагингни кўпроқ очиб юр деявериб, ҳоли жонимга қўйишмаяпти. Ҳадемай тўппончам кўриниб, эркаклигим билиниб қолади.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

УЧ ҚАРОҚЧИ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ватанимиз йўлларида ўнлаб, юзлаб чет эл машиналари пайдо бўлди. Буюк ипак йўли қайта тикланмоқда. Ғарбдан Шарққа, Шарқдан Ғарбга кетган йўллар устидаги бекатларимизда юк ташиётган хориж машиналарини кўплаб учратасиз. Хоржлик ҳайдовчилар йўлларимиз сифатининг яхшилиги, уларнинг беҳавотирлигини миннатдор таъкидлашади.

Бироқ, худди мана шундай хориж юкларини ташиётган машиналарга кўз олайтираётганлар ҳам бор экан. Туркия фуқароси Е. Меҳмед қўшни Қирғизистон Республикасидан юк ортилган машинани бамайлихотир бошқариб келаётган эди. Бешариқ тумани ҳудудида машина йўлини уч нафар киши тўсиб чиқди. Е. Меҳмед «нима гап?» деган хаёлда машинани тўхтатди. Шу ондаёқ йўл тўсувчилар машина кабинасига отилиб кириб ҳайдовчининг сочларидан чангаллаб ура бошлашди. Дўқ-пўписа билан ундан катта пул талаб қилишди.

Ниҳоят, босқинчилар чет эллик меҳмонни қўрқитиб зўрлик йўли билан ундан 2400 АҚШ долларини, 800 эрон туманини, 1500 Туркманистон манатини, 1200 Озорбойжон манатини, 24 қирғиз сўмини, 200 Белорусь рублини, шунингдек, ҳужжатларини тортиб олишди. Худди шу пайт жиноят содир бўлаётган жойга божхона ходимлари келиб қолишди. Қароқчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб, жуфтакни ростлашди. Бироқ Бешариқ туман ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари шу куннинг ўзидаёқ қатъий саъй-ҳаракатлар натижасида жиноятчиларни қўлга туширишди. Улар Бешариқ шаҳрида яшовчи, 1968 йилда туғилган, муқаддам судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган Бешмурод Тўхташев, яна бир бекорчи 1968 йилда туғилган Ҳасанбой Эҳсонов ва шу тумандаги 53-автокорхона ҳайдовчиси Муҳиддин Ғаниевлар бўлиб чиқишди. Ҳар учала қароқчи суд ҳукми билан 11 йилдан озодликдан маҳрум этилди. Туркиялик ҳайдовчининг маблағлари ва ҳужжатлари тўлиғича ўзига қайтарилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ВОДИЙЛИКЛАР БЎШ КЕЛМАС

Маълумки, Фарғона водийсининг икки жамоаси — «Нефтчи» ва «Навбаҳор» футболчилари Осиё кубоги учун мусобақаларда қатнашмоқдалар. Чемпионлар кубоги учун баҳслашаётган фарғоналиклар Душанбенинг «Ситора» жамоасидан устун келиб, курашнинг иккинчи босқичига чиқишган эди. «Нефтчи» Ироқнинг «Завара» футболчиларини қабул қилди. Муросасиз ўтган бу ўйин 1:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Энди футболчиларимизнинг курашни давом эттиришлари 30 август куни бўладиган сафар учрашуви натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Ўйлаймизки, чемпионлар бўш келишмайди. Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари эса кубок эгалари кубоги учун курашнинг иккинчи босқичига чиқишди. Навбаҳорчилар сафарда Ироқнинг «Жавия» клубига 2:5 ҳисобида ютқазишган эди. Ўз майдонларида ўтказилган жавоб учрашувида эса ғалаба (4:1) қозонишди. Шундай қилиб, умумий ҳисоб 6:6 бўлди. Футболчиларимиз Ироқда битта тўп ортиқча киритишгани учун курашни давом эттирадилар. Энди улар 30 август куни Эроннинг «Истиқлол» клубини қабул қиладилар.

БИР ЎЙИНДА 13 ТА ТЎП

Олий лига футбол жамоаларининг навбатдаги тур учрашувларининг аксарияти кечиктирилди. Боиси, «Нефтчи» билан «Навбаҳор» Осиё кубоги баҳсларида қатнашмоқда. 18-тур бўйича 3 та учрашув бўлди: «Машъал» — МҲСК — 0:0, «Динамо» (У) — «Динамо» (С) — 0:1, «Нурафшон» — «Трактор» — 4:2. 17-тур бўйича «Машъал» — «Нефтчи» — 1:3. 20-тур бўйича «Навбаҳор» — «Косонсой» — 10:3. Кўриниб турибдики, навбаҳорчиларнинг шаштлари баланд. Бир учрашувда жами 13 та тўп киритилди. Ҳозир наманганликлар 47 очко билан олдинда боришмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 39 очко бор. МҲСК жамоасида 37 та очко тўпланди.